

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 126 (1646)
26
ИЮНЬ
ЯҚШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИНИН.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми 25 июнда ўз ишнин тамомлади.

Кун тартибидagi иккинчи масала—республика қурилиш ташкилотларининг 1960 йил учун олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш талбирлари тўғрисидаги масала юзасидан музокараларда: Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев, Ўзселектрострой трестига қарашли I-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг раҳбари М. Н. Валов, Ўзбекгидроэнергострой трестининг бошқарувчиси П. П. Фалалев, Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари А. С. Пономарев, Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Н. В. Мартинов, Андижон область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. И. Супотницкий, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министри И. В. Стрелов, Самарқанд Халқ хўжалиги кенгашининг раиси М. Ш. Мирқосимов, Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари А. Хўжаев, Марказий Фаргона ерларини

суғориш ва ўзлаштириш колхозлараро кенгаши раисининг ўринбосари К. К. Муқимбоев сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум тамом бўлгандан кейин СССР Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкасининг дипломларини топшириш маросими бўлди. Бу дипломлар пахтачиликни ривожлантириш соҳасида 1959 йилда эришилган катта муваффақиятлар учун берилган эди. Қорақалпоғистон АССРга, Тошкент, Самарқанд ва Фаргона областларига биринчи даражали дипломлар, Бухоро областига иккинчи даражали диплом топширилди.

Пленум қатнашчилари Оржоникидзе районидagi Ленин номидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозларида, шунингдек «Партия XXI съезди» совхозида бўлиб, у ерда чорвачилик ишларини ташкил қилишнинг илғор тажрибаси билан танишдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 24 июнда очилган пленумида кун тартибидagi биринчи масала ҳақидаги докладлардан кейин музокаралар бошланганлиги илгари хабар қилинган эди.

Пленум қатнашчилари ўз нутқларида таъкидладиларки, партия ташкилотлари партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида катта ишлар қилдилар, қишлоқ меҳнаткашларининг олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш бўлидаги актив курашига амалий суратда бошчилар қилдилар. Нотиқлар бу йилги кўламли об-ҳаво шароитининг оғир келганига қарамай, колхоз ва совхозлар чигит экинни қисқа муддатда илғор агротехника асосида ўтказиб олганликлари, чигитни қийёс ундириб олганликлари ва гўза парваришига киришганликлари кўрсатиб ўтдилар. Чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда катта ютуқларга эришилганлигини кўрсатувчи жуда кўп мисоллар келтирилди.

Шулар билан бир қаторда кўп нотиқларнинг сўзларидан мавжуд резервлардан ҳади сўт фойдаланганга, гўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш учун тегишли даражада кураш олиб бормасан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида техника тараққиёти учун курашга кам эътибор бераётган раҳбарлар шаънига бир қанча танқидий мулоҳазалар айтилди. Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ташкилотчилик ишларини ва оммавий-сиёсий ишларини қулайлаштиришга доир тақлифлар киритилди.

Музокараларда Фаргона область партия комитетининг биринчи секретари Т. Қамбаров биринчи бўлиб сўзга чиқди. У айтдики, областнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1960 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини еттиштириш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб, фидокорона меҳнат қилиш билан бу мажбуриятларини муваффақиятли бажарилишига эришмоқдалар. Областнинг колхоз ва совхозлари давлатга гўшт ва жун сотиш йиллик пиланини ошириб бажардилар, туҳум топшириш мажбуриятини адо этдилар. Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари нуқудай об-ҳаво натижасида рўй берган оқибатларни тугатиб, экинларни ўз вақтида ва юқори сифатли парварини қилмоқдалар, юқори ҳосил ўтказишига эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Нотиқ айтдики, қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун курашда мавжуд имкониятлардан гўза фойдаланиш йўлида ҳамма чоралар кўрилмаётди. Экинларни култивация қилиш сўт сурат билан олиб борилаётганлиги, қишлоқ хўжаликларда механизмлар ёрдами билан ишлов беришнинг сифатсиз ўтказиётганлигини кўрсатувчи фактлар бор. Катта нуқсон шундан иборатки, баъзи колхоз ва совхозлар маҳаллий ўғитга тегишли эътибор бермаётганлар, сувдан тежаб-терсаб фойдаланмаётганлар.

Ўртоқ Қамбаров чорвачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган баъзи масалаларга тўхталади, областда ривожланиш колхоз ва совхозларнинг тажрибаси қандай жорий этилганлиги ҳақида гапирди ва сўзининг охирида пленум қатнашчиларини ишонтириб айтдики, Фаргона областининг 1959 йилда эришилган муваффақиятлар учун СССР Халқ хўжалиги ютуқлари Виставкасининг биринчи даражали дипломи билан мукофотланганлиги меҳнаткашларини пахтачиликдаги мавжуд қолоқликни тезроқ тугатишга руҳлантирди, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янги ютуқларга эришиш учун уларнинг куч-гайратини сафарбар қилди.

Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Шамсутдинов ўз сўзида пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун курашининг биринчи даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтириш учун курашда баъзи ютуқларга эришилганлигини айтди. Шу билан бирга у област партия комитети ва област ижроия комитети, район партия комитетлари ва район ижроия комитетларининг қишлоқ хўжалигига қилаётган раҳбарликларини даражадан ошириб кетган талабларга жавоб бераётганлигини эътироф қилди. Умуман област бўйича гўзанинг ўз ривожига ўн-ўн икки кун, табиий ҳодиса сабабиди қайта экинлар майдонларида 20-30 кун кейинда қолганлиги жиддий ташвиш тугдирмоқда.

Нотиқ гўза парваришини қулайлаштириш юзасидан қўрилган чоралар тўғрисида муфассал гапирди, июль ва август ойларида пахта далаларида ишнинг қизиб юборилишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Литрдан сўт соғиб олиш мажбуриятини одилар.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленуми қатнашчиларини колхозчиликнинг барча аъзолари номидан ишонтириб айтдики, — дейди ўртоқ Сойббоев, — биз олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтириш учун курашда янги муваффақиятларга эришиш билан Ватанимизни хурсанд қиламиз.

Бухоро област партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ризаев област меҳнаткашларининг етти йилликнинг иккинчи йилида қўлга киритган ютуқларини кўрсатиб айтдики, ҳозирги вақтда асосий эътибор бу йил рўй берган қийинчиликларни енгишга, гўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тезроқ тугатишга қаратилмоқда.

Областнинг колхоз ва совхозларида 1410 та трактор-далачилик бригадалари бўлиб, уларга 134 минг гектар ердаги экин бириктиб берилаган. Бу бригадаларнинг кўпчилиги қисми гўзани кетмон қўламай парвартиш қилмоқда.

Колхоз ва совхозлар ўтган йилги тажрибага таяниб машинада кам билан 40 минг тонна пахта теришни белгилادилар. Ҳозир механизатор кадрлар тайёрлаш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Пахта-терини машиналарини ҳайдовчилардан 450 киши курсларда ўқимоқда, шу жумладан дондор механизатор Турсуной Охунова ташаббусида қўшилган 160 қиз ўқимоқда.

Чорвачиликдаги экономикасида муҳим роль ўйнайди. Нотиқ хўжаликнинг бу тармоғидаги ишларнинг аҳволини анализ қилиб айтдики, турли хил маҳсулотлар етиштиришнинг янада кўпайтириш учун катта имкониятлар мавжуддир. Гўшт сотиш йиллик пиланини икки ҳисса ошириб бажариш вазифаси таъминла реал вазифадир.

Област партия ташкилоти, дейди ўртоқ Ризаев, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш учун бутун масъулият ўз зиммасига тушаётганини аққол таштади. Бухоро област партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумини муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилди.

Пленумда Жомбой районидagi Сталин номи колхоз партия ташкилотининг секретари П. М. Абдуллоев ўз нутқини қишлоқ меҳнаткашларини ўртасида оммавий-сиёсий ишларнинг илғор тажрибасини пропаганда қилиш масалаларига бағишлади.

Кишилар билан ишлаш, уларнинг билимини ошира бориш коммунистларнинг диққат марказида турди. Колхозда илғор тажриба мактаби ташкил этилган. Бу мактабда агротехникадаги барча янгилик ва илғор тажрибалар ўрганилади. Бу ерда пахтачилик усталари ўзларининг тажрибаларини таълиқ берадилар. Натижада ҳамма бригадаларда ва участкаларда гўзал ишлар қилинмоқда. Июнь ойида гўзалар бир ярим марта қўндалангига ва икки марта узунназа култивация қилинди. Бутун майдонда гўзалар букетировка қилиб чиқилди. Колхознинг етти бригадасида комплекс механизация жорий қилинди, бу тадбир пахтакорлар меҳнатини енгиллаштирди.



Чиноз районидagi Киров номи колхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Турсуной Охунова бу йил машинада 250 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилган мусобақадонинг Янгиер шаҳридаги «Фарход» совхозининг бригадир-механизатори ўртоқ Холбуви Тўраева билан суҳбатлашмоқда. В. Салов фотоси.

Н. С. ХРУЩЕВНИНГ ДОКТОР УИЛЬЯМ Э. Б. ДЮБУАГА ТЕЛЕГРАММАСИ

Доктор Уильям Э. Б. Дюбуага.

Хўрматли доктор Дюбуа, Сизга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг топширилиши муносабати билан Сизни чин қалбимдан табриклашга ва Сизнинг дунёдаги барча халқлар ўртасида мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиб фойдасига ҳормай-толмай қилаётган фаоллигинида янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат берайми. Сизга ҳаммамнинг хўрматиға сазовор бўлган самарали илмий ва адабий ишнингизда янги илҳомий муваффақиятлар ҳам тилайман.

Самимий хўрмат билан
Н. ХРУЩЕВ.

Тошкент область партия комитетининг навбатдаги пленумини чақириш тўғрисида

Область партия комитетининг бюроси область партия комитетининг навбатдаги IV пленумини 1960 йил 8 июлда чақиришга қарор қилди.

Пленумда нўйидаги масалалар муҳокама қилинади:

1. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети III пленумининг алуқлари ва область партия ташкилотининг вазифалари.

Дондаччи — область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ф. Гуломов.

2. Хотин-қизлар ўртасида сиёсий тарбиявий ишларни яхшилаш тўғрисида.

Дондаччи — область партия комитетининг секретари ўртоқ Х. Р. Мухаменов.

Пленумга гўза ва макнажўхориға ишлов беришнинг бориши ҳақида Гулистон, Бекноба, Пискент район партия комитетлари ва Янгиер шаҳар партия комитетининг ҳисоботлари эшитилади.

Пленумга колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, қишлоқ хўжалик илмий-техник шир муассасалари ва таъриба станцияларининг ходимлари, область партия-совет антиви таълиф қилинади.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

Чиноз районидagi „Коммунизм“ колхозини правле- ниеси область партия комитети бюросининг 1960 йил 7 июндаги қарорини бажармаганлиги тўғрисида

Чиноз районидagi «Коммунизм» колхозини правлениесининг раиси ўртоқ Абдулла Ашуров шу йил 7 июнда область партия комитетининг бюросида гўзани парвартиш қилишни ташкил етмаган, 15 июнгача пахта даладарини бегона ўтлардан тозалаш ва барча участкаларда гўзани суғориш қилишни қизитиб юборилишни таъминлайман, деб ваъда берган эди. Шундан буён икки ҳафтадан кўпроқ вақт ўтди. Бироқ ўртоқ Ашуров область партия комитети бюросининг қарорини бажармади ва гўза парваришининг аҳволини яхшилашга эришмади.

20 июнгача колхозда 450 гектардан зиёд майдондаги гўза бегона ўтлардан тозаланиши ва 250 гектар ердаги гўза бир марта ҳам суғорилгани йўқ.

Меҳнат қилишга қобилиятли колхозчиларнинг фақат ярми гўза парвартишда қатнашмоқда, 22 цопиқ трактордан фақат 18 таси ишлатилмоқда. Бунинг устига уларнинг иш уюмуни паст — ҳар бир трактор билан бир кунда атиги 5 гектар ердаги гўза култивация қилинаётди.

Гўзани механизмлар билан ишлов беришнинг сифати мутлақо қониқарсиз. Гўза қатор оралигининг култиватор юмшатаётган қисми 25-30 сантиметрдан ошмайди. Бегона ўтлардан қўла билан юдиб олиш юзаси ўтказилмоқда, унинг фақат юқори қисми олинди, томири сугирилмай қолди. Натижада илгари тозаланган даладарини қайтадан бегона ўтлар билан юдиб олиш юзаси қайтадан олинди, унинг фақат юқори қисми олинди, томири сугирилмай қолди. Натижада илгари тозаланган даладарини қайтадан бегона ўтлар билан юдиб олиш юзаси қайтадан олинди, унинг фақат юқори қисми олинди, томири сугирилмай қолди.

Шунингдек колхоз бошланғич партия ташкилотига гўзани бир марта суғоришни тугаллаш билан бир қаторда, уни иккинчи марта суғоришга дарҳол киришини, суғоришнинг сифатига алоҳида эътибор беришни таъминлаш ҳам топширилди.

Чиноз район партия комитетига «Коммунизм» колхозига гўзани парвартиш қилиш ишига раҳбарлик қилиш ва унга контроллик қилишни таъминлаш топширилди.

Ушбу қарор областгаги барча колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинсин.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Чувашистон АССР ва Татаристон АССР меҳнаткашлариға табриклар

Республика меҳнаткашлари ишонлаган Чувашистон АССРнинг тузилганга 40 йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Чувашистон АССР Олий Совети, Министрлар Совети ва КПСС Чувашистон область комитети адресига табрикнома юбордилар.

СССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети чуваш халқини ўз миллий автономияси барпо бўлгандан бери ўтган 40 йил ичида рус халқи ва Совет Иттифоқидagi бошқа халқлар ёрдамида қўлга киритган катта муваффақиятлари билан табриклайдилар ва республика меҳнаткашлари етти йилликнинг улғувор вазифаларини бажариш учун бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилдилар, экономика ва маданиятни янада юксалтириш соҳасидаги муваффақиятларини кўпайтирадилар, деб ишонч билдирадилар.

Чувашистон АССР Олий Советига, Министрлар Советига ва КПСС Чувашистон область комитетига, республиканинг барча меҳнаткашларига РСФСР Олий Совети Президиуми, Россия Федерациясининг Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси ҳам табрикнома юбордилар. (ТАСС).

Татаристон АССР меҳнаткашлари шу кунларда ўз республикасининг ташкил этилганлигига 40 йил тўлган кунини нишонламоқдалар. СССР Олий Совети Президиуми Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Татаристон АССР Олий Совети, республика Министрлар Совети ва КПСС Татаристон область комитети номига табрикнома юбордилар.

Табрикномада Татаристон меҳнаткашларининг Коммунистик партия раҳбарлигида ва рус халқа Совет Иттифоқидagi бошқа халқларнинг қардошлари ёрдами туфайли саноатни, қишлоқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантиришда эришган катта муваффақиятлари қай қилиб ўтилади. СССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети республика ишчилари, колхозчилари, экинчилари СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик пиланини муддатидан илгари бажариш учун ўз куч ва меҳнатларини аямалидилар, деб ишонч билдирадилар.

РСФСР Олий Совети Президиуми, Россия Федерациясини Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси ҳам Татаристон АССР Олий Совети, Министрлар Совети ва КПСС Татаристон область комитетига, республика меҳнаткашларига табрикнома юбордилар. (ТАСС).

СССР ҳукумат делегация- си Ганаға жўнаб кетди

Гана ҳукуматининг тақлифига буюнча, СССР ҳукумат делегацияси 24 июнда «ИЛ-18» самолётида Москвадан Аккраға жўнаб кетди. Делегация 1960 йил 1 июлда Гана Республикасининг эълон қилиниши муносабати билан бўладиган байрам тантаналарида қатнашади. Делегация составига СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе (делегация бошлиғи), СССР Министрлар Совети Ташкилоти алоқа Давлат комитетининг аъзаси А. Д. Дегтярь бор. (ТАСС).

